

# Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

WWW.KABAR.CC.UZ

DRIF@INFONET.UZ

1992-yil martdan chiqqan boshlagan

2004-yil, 28-may, 22(611)-son

Sotuvda narxi erkin

## ХАФТАЛИК ХАВАРЛАР

✓ 25 май куни халқ депутатлари Анджон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов қатнашди.

Сессияда ташкилий масала кўриaldi. Қобилжон Обидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вази-фасидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва суғу хўжалиги вазири лавозимида ишлаб келатган Сайдулло Бесаев вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

✓ Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

✓ Вазирлар Маҳкамасида Болаларни ёзи соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2003 йил болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш якуна-лари ҳамда 2004 йил мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга оид масалалар муҳокама этилди.

✓ Тошкентда Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг йиғилиши бўлди. Унда партиянинг ижтимоий базисини кенгайтириш бўйича олиб борилган ишлар, ҳудудий ташкилотларни сайлов кампаниясига тайёрлаш борасидаги устувор вази-фалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриaldi. Қобилжон Тошма-тов партия сиёсий кенгаши иж-рония кўмитаси раиси вазифасидан озод қилиниб, сиёсий кен-гаш ижрония кўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига тасдиқ-ланди. "Тошкент трактор заводи" акциядорлик жамияти бош директори Муҳаммадjon Аҳмад-жонов партия сиёсий кенгаши ижрония кўмитаси раиси этиб сайланди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.Полвоғдова хоржий ва республика омма-вий ахборот воситалари ваки-ллари учун матбуот ажжумани ўтказди. Унда вазирликнинг Ўзбекистонда фаолият юри-таётган халқаро ва чет эл ну-хукумат ташкилотлари ваколат-хоналари ва филиалларини рўйхатга олиш бўйича ишларининг натижалари журналист-лар эътиборига ҳавола этилди.

✓ Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетиде инглиз тилини ўқитиш замонавий ус-лубларига бағишланган кон-ференция ўтказилди. Анжуман иштирокчилари тилни ўқитиш услубиятига оид материаллар кенг чол этиладини "Форум" журналидаги мақолалар юзаси-дан фикрлашди.

## ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ Фойдаланайлик

Республикада ўтказилаётган бозор ислохотлари натижасида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам ўзига хос ўзгаришлар юз бермоқда. Иқтисодий ислохотларнинг қандай амалга ошиши ва самара бериши, асосан, соҳага киритилган сармояларга боғлиқ. Ушбу маблағларни тўғри тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш, йўналишларни аниқлаш, иқтисодий самарадорлик мониторингини ўтказиш учун эса молия институтларининг аниқ тузилмасини яратиш даркор.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мазкур йўналишлар бўйича вази-фаларни тўғри олиб боришни ташкил этиш мақсадида 2002 йил, 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Жамғармаси ташкил этилди ва унинг Низоми қабул қилинди. Ҳозирги кунда Жамғарма томонидан сармоялар махсус ташкил этилган комиссия ва Жамғарма Кенгаши қарорига асосан Низомда белгиланган йўналишлар бўйича ижтимоий аҳамиятга эга ва устувор бўлган лойиҳаларга йўналтирилмоқда. Молиявий захиралардан ана шундай фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги марказий молиялаштиришга қараганда юқори бўлмоқда.

Соҳанинг янги йўналишларини ривожлантириш мақсадида 2002 йил, 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ах-

борот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ва 2002 йил, 6 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича чоратадбирлар ҳақида"ги Қарори қабул қилинди. 2004 йил, 7 майда эса алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон



Республикаси Қонунига ҳамда 2003 йил, 9 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори чиқарилди.

(Давоми 2-бетда.)

## АФГОНИСТОН АЛОҚА ВАЗИРИ ЎЗБЕКISTONDA

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Утти Ислам Давлати алоқа вазири Муҳаммад Маъсум Станакзай бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ билан учрашди.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, Афғонистонда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини тиклашда Ўзбекистон корхоналари, малакали мутахассисларнинг тажрибаси ва салоҳиятидан фойдаланиш, икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри ва транзит телефон алоқасини йўлга қўйишга оид масалалар муҳокама этилди. Афғонистоннинг Ўзбекистон имкониятларидан фойдаланган ҳолда Транс-Осиё-Европа халқаро тармоғига қиқиш ҳақида сўз борди.

ЎЗА

## ОБУНА - 2004

## ГАЗЕТХОНЛАР САФИ КўПАЯВЕРСИН

Айни кунларда республикадаги барча почта алоқаси бўлимларида матбуот нашрларига иккинчи ярим йиллик учун обуна мавсуми давом этмоқда. Хўш, жойларда бу борада олиб борилаётган ишлар қониқарли аҳволдами? Умуман, аҳолининг даврий нашрларга бўлган эҳтиёжи қандай ва бу эҳтиёж қай даражада қондириляпти? Биз ушбу саволларга жавоб топиш ва масалага ойдинлик киритиш мақсадида "Тошкент почтаси" АЖ филиалларида бўлдик.

Маълумки, Тошкент вилояти иқтисодий салоҳияти, аҳолиси сони ва бошқа кўрсаткичлар бўйича мамлакатимиздаги энг йирик вилоятлардан ҳисобланади. Алоқа соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Биргина "Тошкент почтаси" АЖнинг вилоят бўйича жами 20та филиали мавжуд. Айниқса, Ангрэн, Бекобод, Охангарон, Чирчик, Олмалик каби филиаллар иш қўламининг кенглиги билан ажралиб туради.

(Давоми 2-бетда.)

## МУВОФИҚЛАШТИ- РУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси А.АРИПОВ бошқарди.

Мажлисида ахборотлаштириш соҳасида меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари ва ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш, республикада ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий қилишга оид бошқа долзарб масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги янги қонунларини жорий этиш механизмлари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу жараёни тезлаштириш учун тадбирлар режаси ва жамиятни ахборотлаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича мунтазам фаолият кўрсатадиган олти ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Гуруҳлар раҳбарлигига тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, мажлисида жорий йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган электрон ҳукумат масалалари бўйича халқаро конференцияга тайёрликнинг бориши ҳам муҳокама қилинди.

Сирдарё вилоятида электрон ҳукуматни жорий этиш бўйича масъул иштирокчиларнинг тажриба лойиҳасини амалга оширилишига доир ҳисоботи тингланди. Сирдарё вилоятида давлат ҳокимияти портални шакллантириш ва электрон ҳужжат айланишини татбиқ этишга оид тадбирлар режаси тасдиқланди.


Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари соҳага оид ва умумсоҳа тусидаги қатор янги меъёрий ҳужжатларни маъқуллашди. Мажлисида кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилаш ва корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш учун давлат ҳамда хўжалик бошқаруви жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий қилиш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗА









ДУШАНБА, 31

6.00 "Ассало, Ўзбекистон" 8.00-8.45 "Ташкилот" 8.45, 17.55 ТВ-маркет. 8.50 "Кусто коммюнсониинг сув ости саруазилари"...

СЕШАНБА, 1

6.00 "Ассало, Ўзбекистон" 8.00-8.35 "Азбуқот" 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газетлар шарҳи. 9.00 "Кусто коммюнсониинг сув ости саруазилари"...

ЧОРШАНБА, 2

6.00 "Ассало, Ўзбекистон" 8.00-8.35 "Азбуқот" 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газетлар шарҳи. 9.00 "Кусто коммюнсониинг сув ости саруазилари"...

ПАЙШАНБА, 3

6.00 "Ассало, Ўзбекистон" 8.00-8.35 "Азбуқот" 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газетлар шарҳи. 9.00 "Кусто коммюнсониинг сув ости саруазилари"...

ТЕЛЕДУСТУРЛАР 31 май — 6 июн учун TV I, TV II, TV III, TV IV, OPT, PTP, НТВ

16.10 ТВ-анион. 16.15 "Янги авлод" студияси. Болалар шерайти. Гузулчапар. 16.40 "Кечки - соғинақа зарар". Теледубай...

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 "Азбуқот" (рус тилида). 20.00 Оқшом эрталаблари. 20.15 FCN "Ўзбекистон анимациялари" (инглиз тилида)...

19.05 "Хайт ва қирин". 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 "Азбуқот" (рус тилида). 20.00 "Оқшом эрталаблари". 20.15 "Ўзбекистон анимациялари"...

15.50 "Мувоизат". 16.10 "Парле в франса". 16.30 ТВ-кичи. 16.55 "Азбуқот". 16.40 "И". Болалар спорти. 2. "Цирк, ширк, ширк"...

20.00 "Время". "SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ. 20.30 "Болалар спорти". 20.35 "Спортимиз махикалари". 21.00 "Хабарлар". 21.05 "Бизнес-рево". 21.20 "Спорт клуби". 21.30 "Тунинги оуда бўласин"...

21.20 "Спорт - менинг ҳаётим". 21.40 "Болалар спорти". 22.20 Жаҳон спорт: "Еврофутбол". 23.45 "Тунинги оуда бўласин". 5.00 Телеканал "Добро утро". 8.00 Навоисти. 8.05 Детектив "Исповедь содержания"...

20.00 "Время". "SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ. 20.30 "Болалар спорт". 20.35 "Спортимиз махикалари". 21.00 "Хабарлар". 21.05 "Бизнес-рево". 21.20 "Спорт клуби". 21.30 "Тунинги оуда бўласин"...

14.05 Спорт-китаси (рус тилида). 14.35 Артопатру. 14.55 "Ўзбекистон анимациялари" студияси номинион: "Самарқанд". "Буҳоро". 15.15 Мутовла. 15.35 Рагула. 15.55 ТВ-анион. 16.00 Давр. 16.10 "Телевизион учиринири унутманг"...

21.30 "Фабрика элза". 23.30 "Сканер". 24.00 "Русский экшн". 24.30 Боевик "Коррупционер". 2.10 Триллер "Прелестество". 4.00 Навоисти. 4.05 "Каталикча монастыри". 5.00 УТРО НА НТВ. 7.50 "ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД". 8.25 "БЕЗ РЕШЕНИЯ"...

4.00 Навоисти. 4.05 Филм "Отшельник". 2.00 "Телеканал "Команда 01". 5.45 Телеканал "Россия 01". 6.00 "Вестник". 6.50 "Королевское звание". 7.45 ВЕСТИ. ДЕКУРНАЯ ЧАСТЬ. 8.00 ВЕСТИ. МОСКВА. 8.30 "Что хочет женщина"...

22.50 Футбол. Матч 100-летия ФИФА. Сборная России - сборная Лихтенштейна. 24.00 Военный фильм "Железная крепость". 2.50 Остроосветельный фильм "Дарки". 4.00 Навоисти. 4.05 Остроосветельный фильм "Дарки". 4.05 Остроосветельный фильм "Дарки". 2.00 "Тунинги оуда бўласин"...

17.20 "Шунчаки Кулу". 17.50 "Клон". 18.05 "Миллионда қар юшми". 19.00 А. Фрейндлих. С. Говорузин "Абдул мангани" фильмида. 2-қисм. 20.00 "Время". "SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ. 20.30 "Болалар спорт". 20.50 "Спорт - клуб". 21.00 "Хабарлар". 21.15 "Бизнес-рево". 21.20 Кураш. Халқаро турнир (Фаргона). 21.50 "Нокут". 22.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионида. Ўзбекистон чемпионида. "Самарқанд-Динамо". 23.05 Жаҳон спорт: "Еврофутбол". 00.40 "Тунинги оуда бўласин"...



## SONA ATAMALARI

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ҚИСҚАЧА ЛУГАТИ\*

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

добротность — аслик  
колебательной системы — тебраниш  
тизимининг асслиги  
контура — контурнинг асслиги  
лампы — лампанинг асслиги  
резонатора — резонаторнинг асслиги  
доверительный интервал — ишончли  
оралик  
долговечность — узоққа (кўпга) чидамлилиқ  
прибора — асбобнинг узоққа чидамлилиги  
домен — домен  
дополнительная погрешность — қўшимча хатолик  
допуск — жоизлик, рухсат этиш  
допустимая погрешность — жоиз хатолик  
дорожка — йўлка, йўлакча  
звуковая — товуш йўлакчаси  
магнитная — магнит йўлакчаси  
доска — доска, тахта  
захимная — қисқичли доска  
клеммная — клеммали тахта  
коммутиационная — коммутацион доска (тахта)  
приборная — асбоблар тахтаси

доставка сообщений — хабарларни етказиш  
доступность — қулайлик  
доступность средств связи — алоқа воситаларидан фойдаланиш қулайлиги  
достоверность — ишончлилиқ  
результата — натижанинг ишончилиги  
дрессель — дрессел  
электрический — электр дрессел  
драйвер — драйвер  
дуплексная связь — дуплексли алоқа, икки томонлама алоқа

## E

единица измерения — ўлчов бирлиги  
единство измерений — ўлчаш яхлитлиги  
ёмкость — сизим  
аккумулятора — аккумулятор сизими  
анода — анод сизими  
анод-катода — анод-катод сизими  
анод-сетки — анод-тўр сизими  
антенны — антенна сизими  
взаимная — ўзаро сизим

(Давоми бор.)

\*Луғат ФТМТМда тайёрланган.

# ОИЛАДА TEST

## ТИНЧЛИКНИ

### ҚАНДАЙ САҚЛАШ КЕРАК?

Самимий айтганда, сиз кўпгина муҳим нарсалар ҳақида ўйлашсизми, масалан, оила масалалари бўйича? Балки нимадир юз берди, ўзгарди. Хўш, қайси нарсалар? Агар сиз ўзингизни синамоқчи бўлсангиз, турмуш ўртоғингиз билан биргаликда қуйидаги саволларга жавоб беринг. Кейин натижани таққосланг.

Берилган ҳар бир тест саволига 3та жавоб бор, шулардан ўзингизга мос келганини белгилашингиз керак. Шуларга асосан пастдаги тест калитидан жавоб оласиз.

1. Агар сизга яна бир мартаба умр йўлдошини танлаш имконияти берилса, сиз яна шу инсонни танлаган бўлармидингиз?  
а) Ҳа маҳал.  
б) Мен бу ҳақда ўйлаб қўрар эдим.  
в) Фақат уни танлар эдим.

2. Сизга янги одамлар билан танишиш ёқадими ёки эскиларини ёқтирасизми?  
а) Менга эски дўстларим ёқди.  
б) Менга янги одамлар билан танишиш ёқди.  
в) Гоҳида қандайдир ўзгаришлар ҳалқат бермайди.

3. Сизлардан қим кўпроқ оилада банд бўлади?  
а) Менинг эрим (хотиним).  
б) Табиий, мен.  
в) Мен уй ишларига эътибор бермайман.

4. Сизнинг пул ҳақидаги фикрингиз?  
а) Бу энг керак нарса, фақат етишмайди.  
б) Бунинг етишмаслиги оилавий масалаларга ҳавф солади.  
в) Бу асосий эмас, лекин унингиз ҳамма нарса ҳал қилинмайди.

5. Сизни эрингиз (хотинингиз) ҳурмат қилади?  
а) Йўқ.  
б) Менга кўпроқ раҳмат дейишса, яхши бўларди.  
в) Менинг ўзим уни ҳурмат қилармикинман?!

6. Сизнинг эрингиз (хотинингиз) ташқи кўринишингизга эътибор берадими?  
а) Ҳар доим мендан камчилик топади.  
б) Унга ҳаммаси барибир.  
в) Ҳар доим қизиқади.

7. Уй хўжалигидаги олиб борилаётган ишларидан қоникасизми?  
а) Ҳа, шунчаки.  
б) Ҳа.  
в) Буни рўзгор деб бўлмайди.

8. Сизнинг эрингиз (хотинингиз) ота-оналари билан муносабатингиз қандай?  
а) Улардан қочиб қаражат қиламан.  
б) Уларни ҳурмат қиламан.  
в) Мен уларни яхши қиламан.

9. Сизга оилангиз билан байрамларни ва дам олиш таътиллари бирга ўтказиш ёқадими?  
а) Бундан ўзгани тасаввур қила олмайман.  
б) Менга барибир.  
в) Йўқ, бу зерикарли.

10. Сиз ўз уйингизни гўзал бўлишини истайсизми, шароитларни яхшилашга интиласизми?  
а) Менинг бундан ҳам муҳимроқ ишларим бор.  
б) Ҳа, ҳар доим, қачон вақтим бўлганда.  
в) Бу ҳақда гоҳида ўйлайман.

Пастда сиз танлаган жавобга асосан баллар ёзилган жадвал бор. Шу жадвалга кўра ҳар бир танлаган жавобингизга балл оласиз. Масалан: биринчи саволнинг а) пунктини танлаганингиз, яъни сизнинг жавобингиз шу пункт бўлади. Демак, сиз 1-саволнинг а) пунктини танлаганингиз учун 3 балл олгансиз. Агар б) пунктини ёки в)ни танлаганингизда шунга асосан б) учун — 2 балл, в) учун 1 балл олган бўлар эдингиз. Шу тариқа 10 та саволнинг ҳаммасига биттадан жавоб танлайсиз.

## БАЛЛАР:

Саволлар: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

а) 3 2 1 3 2 2 3 1 3  
б) 2 3 3 1 2 3 1 2 2 1  
в) 1 1 2 2 1 1 3 1 3 2

21-30 баллгача: Сизнинг турмушингиздан (хотинингиз, эрингиз) қоникмайди. Булардан кўрииб турибдики, сиз билан ҳаёт кечириш қийин ва ҳавас қиладиган даражада эмас. Қачондир эрингиз (хотинингиз)нинг сабр-тоқати тугаши мумкин.

15-20 баллгача: Умуман сизнинг оилангиз тинч, лекин ўртада совуқликлар ҳам бўлиб туради. Айрим вақтларда юз берадиган муҳим муносабатлар оилани муштақамлашга ёрдам беради.

14 ва ундан кичик баллар: Сизнинг турмушингиз жуда яхши. Бир-бирингизни кўзингиздан, ярим гапингиздан тушунасиз. Лекин тушуниш ҳам зерикарли бўлиб қолиши мумкин. Нима деб ўйлашсиз, ҳаётингиздаги айрим ўзгаришлар сизга зиён қилмасмикин?

## SPORT, SPORT, SPORT

## FUTBOL



## МУРАББИЙЛАР АЛМАШМОҚДА

**Жозе Моуринионинг** "Челси"га бош мураббий этиб тайинланиш масаласи ўз ечимини топиш арафасида турибди. Чунки "Челси" ижрочи директори Питер Кенион "Порту"нинг 40 ёшли мураббийи Ж. Моуринио билан тўрт йилга шартнома тузиш учун сўнги музокараларни олиб бормоқда.

"Челси"нинг ҳозирги мураббийи Клаудио Ранieri эса "Валенсия"га ўтиши мумкин. Буни валенсияликларнинг УЕФА кубогини кўлга киритишларида катта ҳисса қўшган Рафаэл Бенитезнинг "Ливерпул" мураббийлигига асосий номзод сифатида кўрсатилаётгани ҳам тасдиқлайди.

## PROFI-BOXS

## ҒАЛАБАЛИ ОДИМЛАР

Японияда машғулотлар ўтказаятган ўзбек боксчиси Фарход Бакиров навбатдаги ғалабага эришди. Жанг Токиода бўлиб ўтди. Ярим ўрта вазнда рингга тушувчи ватандошимизнинг галдаги рақиби таиландлик Петчубол Ситсон эди. Беллашувнинг бошидан ташаббусни ўз қўлига олган Ф.Бакиров учинчи раундда рақибини нокаутга учратди.

Айни дамда боксчимиз WBA рейтингда 7 ўринда бормоқда. Унинг ҳисобида 19 ғалаба ва 1 дуранг бор.

AFINA - 2004

## ОЛИМПИАДА ТАРИХИДАН



Айни кунларда бутун дунёни кезиб юрган XXVIII Олимпиада машъаласи августнинг ўрталарида Грецияга — ўз ватанига қайтади. Маълумки, олимпиа ўйинлари тарихи эра-миздан аввалги асрларга ва эллинлар юртига бориб тақалади.

Замонавий олимпиада ўйинларига ҳам Афинада асос солинган. 1896 йили ўтказилган дастлабки ўйинларда АКШ ва Чили спортчиларини ҳисобга олганда асосан европаликлар иштирок этишганди. Катнашчиларнинг барчаси эрақлар бўлиб, ўйинлар дастуридан юнон-рим кураши, велосипед спорти, гимнастика, англ атлетика, сузиш, ўқ отиш, теннис ва оғир атлетика жой олганди. Марафонча югуриш эса олимпиада ўйинларининг ўзига хос рамзига айланган. Уч ҳатлаб сакрашда голибликни кўлга киритган америкалик Жеймс Коннолининг номи биринчи олимпиада чемпиони сифатида тарихда қолди.

1900 йили Парижда порлаган Олимпиада машъаласи ўз атрофига жами 21 мамлакат спортчиларини тўлади. Осиёнинг ягона вакили — Хин-

дистон бу ўйинларда иккита кумуш медални кўлга киритди. "Афина — 1896"дан фарқли равишда Парижга 11та аёл спортчи ҳам ташриф бурди. Улар фақат теннис ва голф бўйича ўз имкониятларини синаб кўришди. Англиялик теннисчи Ш.Купер аёллар ўртасида биринчи бўлиб олимпиада чемпионилигига сазовор бўлди.

Олимпиада ўйинлари ҳар тўрт йилда ўтказилади. Бирок I ва II Жаҳон урушлари туфайли 1916, 1940, 1944 йилларда бу мунтазамлик бузилган. Умуман олганда, Париж, Лондон, Лос-Анжелес ва Афина (Афина — 2004 ҳам назарда тутиляпти)да икки мартадан ўтказилган олимпиада ўйинларига кейинчалик Сент-Луис, Стокгольм, Антверпен, Амстердам, Берлин, Хелсинки, Мелбурн, Рим, Токио, Мехико, Мюнхен, Монреал, Москва, Сеул, Барселона, Атланта ва Сидней мезбонлик қилган.

Навбатдаги олимпиада ўйинлари 2008 йили Пекинда ўтказилади.

KUTILMAGAN MEHMON



Яқинда автобусда кетаётган икки аёлнинг суҳбати беихтиёр қулагимга чалинди.

— ... Бечора Паулина ҳам кийналиб кетди, у ёқда Паола улгур ялло қилиб юрибди, кимлар биландир дон олиши-и-иб.

GABRIELA SPANIK:

— Нимасини айтасиз, бировнинг эрига сохта хотин бўлиш осонми? Ишқилиб, Паулина қўлидан келганча ҳаракат қилганти, оилада тинчлик ўрнатди, фаб-

“ЁЛҒОН АСИРАСИ”

ЁХУД ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН РҮЁЁЛАР

рикани сақлаб қолди... Карлос Даниэл ҳам тушунмапти-да. Ишхонасидаги Вероникага илақишиб қолди, шекилли.

— Вой, унга ҳам кийинда, эркак бўлгандан кейин...

— Суҳбат нима ҳақида кетаётганини дархол англадим — “Елгон асираси”.

Бугунги кунда юқридаги каби суҳбатларни истаймизми-йўқми тез-тез эшитишга мажбурмиз. “Гвадалупе” тугаши билан ўзбек томошабинлари, айниқса, уй бекалари ҳали сериал қаҳрамонлари кўрғасини унутиб улгурмай экранларимизда “Елгон асираси” (асли номи “La usuradora” — Узурпаторша — Шухратараст аёл) пайдо бўлди. Яна чигал тақдирлар, хиёнатлар, турли қаҳрамонлар... Шаҳсан ўзим, миллийлигимизга тўғри келавермайдиган эртанамо бундай сериалларга унчалик ҳўшим бўлмаса-да, бир-бирига умуман зид бўлган икки образни қўйилмақом тарзда ярата олган актриса — Габриэла Спаник маҳорати, тўғриси, яна бир бор қўйил қолдим. Бундай дейишимнинг боиси, етти-саккиз йил муқаддам экранларимизда намойиш этилган “Морена Клара” сериалдаги ўзининг илк рол (Линда)ни маҳорат билан икром этгани ҳали-ҳануз ёдимда. Унинг шахсий ҳаёти билан қизиққанам сабаби ҳам шунда.



Келиб чиқишига кўра хорват миллилатига мансуб бўлган Габриэла Спаник 1973 йилнинг 10 декабрида Венесуэланинг Ортис шаҳрида таваллуд топган. Унинг Антонио исмли акаси ҳамда Даниэла (ўзининг эгизағи) ва Патрисија исмли сингиллари бор. Болалигидан балет раққосаси бўлишни орзу қилиб келган Габриэлада улғайганидан сўнг актрисаликка қизиқиш пайдо бўлди. 1991 йили “Венесуэла гўзали” танловида қатнашиши ва биринчи ўринга лойиқ топилиши унинг келгуси фаолиятини белгилаб берди. Венесуэланинг “Веневисион” телекомпанияси уни “Бешафат дунё” (“Mundo de fieras”) ҳамда “Росанхелика” (“Rosangelica”) телесериалларига таклиф қилди. Габриэла ушбу сериалларда муваффақиятли суратга тушади. 1993 йилдан эса у фотомоделчи бўлиб ишлаш бошлади.

охир-оқибат хотини билан ажрашишга қарор қилади. Унинг ажрашишдан кейинги биринчи иши Габриэлага муҳаббат изхор қилиш бўлди. Орадан икки йил ўтиб, уларнинг никоҳ тўйи бўлди. Тўй тантаналари “Веневисион” канали орқали бутун Лотин Америкасига намойиш этилди.

Тўйдан сўнг Габи ва Мигел Мехикога кетишга қарор қилишади. У ерда актриса “Телевиса” билан уч йилга шартнома имзолайди. Ушбу давр ичиде учта — “Узурпаторша” (“La Usurpadora”), “Муҳаббатнинг ҳаққи” (“Por tu amor”) ҳамда “Жиноятчи аёл” (“La intrusa”) теленовелларида суратга тушишга улгуради.

“Елгон асираси”нинг катта муваффақиятидан сўнг Габриэла қолдузлик даражасига кўтарилади ва гийбатчиларнинг Мигел хотинини ушбу шоншўхратдан қизганишни бошлагани, яқин орада бу намунавий оилга дарз кетиши ҳақидаги миш-мишлари пайдо бўлади. Лекин улар янглишган эди. Мигел хотинини аввалгидан ҳам қаттиқроқ севарди. У фақат Габриэлани ўйлар ва буларнинг барчасини фақат Мигел учун қилади.

Габриэла “Елгон асираси” сериалида худди икки томчи сувдай бир-бирига ўхшаш опа-сингиллар (бири — баджаҳл ва енгилтак Паола, иккинчиси — меҳрибон ва камтар Паулина) образларини яратган эди. Ҳаётда ҳам унинг эгизак-синглиси Даниэла бор. Болалигида қизалоқлар жуда ўхшаш эди, фақат Габи бироз тўлароқ бўлган. Кейинчалик у парҳезга қаттиқ амал қилгани боис чиройли қадди-қоматга эришди. Ҳозирда унга мос тикилган тайёр кўйлак топиш ҳам ағримаҳол...

Усмон Йўлдош тайёрлади

1 ИЮН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



ХАНДАЛАР

Синф раҳбари ўқувчиларга деди:

— Мен сизларга худди оталарингдайман, нима керак бўлса уялмасдан айтаверинглар.

— Ҳа, ундай дейсан?

— Ойи, дадамнинг думи борми?

— Вой, нега ундай дейсан?

— Бошлиқлари думингни туғиб қўяман дебди-ку!

— Ойи, менинг мусикачи бўлишимни хоҳлайсизми?

— Албатта, тойноғим. Хоҳлаган мусика асбобини танлашинг мумкин.

— Ундай бўлса, мен граммофонни танладим.

— Мен бугун қаттиқ йиқилиб тушдим, — деди афтини буриштириб Зоҳида.

— Йўқ.

— Нега?

— Мен велосипед ҳайдашни ўрганяпман, дадажон, — жавоб қилди у.

— Нега бунча қовоғинг солик?

— Тишимни олдирувдим...

— Ҳали ҳам оғриятими?

— Билмадим, чунки у дўхтирнинг қўлида қолган.

— Қани айтчи, қўлдан тушириб юбормаслик учун болгани қандай ушлаш лозим?

— Билмадим...

— Шунинг ҳам билмайсани? Икки қўллаб ушлаш керак-да.

— Қани энди сеҳргар бўлиб қолсам, — деди Сардор.

— Нима қилардинг? — сўради Нодир.

— Ҳаммаёқни тулқиға тўлдириб юборардим. Ана шунда дадам овға бориб ўтирмасдилар.

— Мен бугун қаттиқ йиқилиб тушдим, — деди афтини буриштириб Зоҳида.

— Йўқ.

— Нега?

— Мен велосипед ҳайдашни ўрганяпман, дадажон, — жавоб қилди у.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



“Бухоро Телеком” филиали Шофиркон телекоммуникациялар боғламаси жамоаси қорхонанинг кадрлар бўлими ҳодими Гулбахор АСАДОВАНИ туғилган куни билан самимий муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий тинчлик ва ишларида омад тилайди.

МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Тахрир хайъати: Илзат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Шомансур ОБИДУЖАЕВ Мирода САБИЛЛОВ Лутифилло ТУРСУНОВ (масъул котиб) Раҳимжон ТУРҒУНОВ Алишер ХУЖАЕВ Асрор ЭШОНХУЖАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Солиқнон ҚОСИМОВ
Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақам билан рўйхатга олинган.

Тахриратга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтариб берилади. Муаллафларнинг фикрлари тахрират фақридан фаришани мумкин. Нашрнинг кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилган шарт.
Газетанинг материал — 1.
Редакcia матраларининг тўғричилигига тахрират жавобгар эмас.
Роқам ва долларларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулар.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Мавзидан: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz.
Нашр кўрсаткичи — 227; 228.
Жума кунлари чиққиди.
Газета тахрират компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Мавзид: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.
Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.
Саҳифаловчи: Ш.КИМШАНБОЕВ.
Матн терувчи: Д.МАТКУРБОНОВА.
Босишга топширилади — 20.00. Босишга топширилган вақти — 20.00.